

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Ү.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ЭШНАЗАРОВ МЕХРИДДИН ЖЎРАЕВИЧ**

**ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ  
ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА)**

**12.00.14 – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.  
Жамоат хавфсизлигини таъминлаш. Пробация фаолияти**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

**Эшназаров Мехриддин Жўраевич**

Хукукбузарликларнинг махсус профилактикасини такомиллаштириш  
(Ички ишлар органлари фаолияти мисолида)..... 3

**Эшназаров Мехриддин Жураевич**

Совершенствование специальной профилактики правонарушений  
(на примере деятельности органов внутренних дел)..... 27

**Eshnazarov Mekhriddin Juraevich**

Improvement of the special prevention of offenses (on the example  
of the activity of the bodies of internal affairs)..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 54

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Ү.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ЭШНАЗАРОВ МЕХРИДДИН ЖЎРАЕВИЧ**

**ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ  
ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА)**

**12.00.14 – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.  
Жамоат хавфсизлигини таъминлаш. Пробация фаолияти**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Үу151 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Хужакулов Сиёвүш Бахтиёрович**  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Расмий оппонентлар:** **Исмаилов Исамиддин**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Юлдашев Муҳаммадкарим Шерматович**  
юридик фанлар номзоди

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Үу.25.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 28 январь куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (71) 265-22-52/ (71) 265-17-53; e-mail: [info@akad.mvd.uz](mailto:info@akad.mvd.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1099-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (71) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2022 йил 15 январь куни тарқатилди.

(2022 йил \_\_\_\_ январдаги \_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).



**А.С. Турсунов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Дж.Х. Юлдашев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Р. Кабулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳар йили 437 минг кишининг қасддан ўлдирилиши<sup>1</sup>, мазкур қилмишнинг АҚШда 2019-2020 йилларда 30 фоизга ошиб, сўнгги 100 йилда энг юқори кўрсаткичнинг қайд этилгани<sup>2</sup>, ҳар куни 1 миллионга яқин шахснинг зарарли одатлари туфайли кибер-жиноятчиликдан жабрланиши<sup>3</sup> каби омиллар айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини аниқлаш, бартараф этиш, ҳуқуқбузарлик содир этган ёки содир этишга мойил, ундан жабрланган ёки жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахсларнинг хулқ-атворини тузатиш мақсадида махсус профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг долзарб эканлигини кўрсатади. Шу боис, мамлакатларнинг жиноятчилик ва хавфсизлик даражасини белгилашда алоҳида турдаги жиноятлар (терроризм, одам савдоси, одам ўлдириш, номусга тегиш, ўғирлик, босқинчилик ва бошқалар)нинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини, айрим тоифадагилар (аёллар, вояга етмаганлар, ишсизлар, гиёҳвандлар ва бошқалар)нинг шахсига доир маълумотларни ўрганиш зарур ҳисобланади<sup>4</sup>. Чунки, бу каби маълумотлар жиноятчилик даражасини белгилаш, давлатларнинг жиноятчилик, хусусан қасддан одам ўлдириш бўйича рейтингини ёки жиноятчилик авж олган ёхуд энг хавфсиз давлатлар рўйхатини шакллантиришда мезон қилиб олинади.

Жаҳонда трансмиллий, инсониятга жиддий хавф туғдирувчи алоҳида турдаги жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларга оид махсус профилактик чоралар самарадорлигини оширишнинг замонавий ва самарали тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенгрок фойдаланиш, халқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари тизимини оптималлаштириш, таъсирчан махсус профилактик чора-тадбирлар тизимини (“neighborhood watch”, “crimes toppers”, “Crimeprevention throughen vironment design (broken window)”, “Safety City” сингари махсус профилактик дастурларни) ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш мақсадида, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш, айрим тоифадаги шахсларга профилактик таъсир кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ 2020 йилда умумий жиноятчилик 25,8 фоизга, қасддан одам ўлдириш 16,4 фоизга, ўғирлик 34,3 фоизга, талончилик ва босқинчилик 24,9 фоизга, фирибгарлик 39,8 фоизга, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар 11,9 фоизга, безориликнинг 31,4 фоизга ошганлиги<sup>5</sup>, охириги икки йилда фақат коррупцияга оид жиноятлар натижасида 2 триллион сўм миқдорида моддий зарар етказил-

<sup>1</sup> <https://visasam.ru/emigration/vybor/prestupnost-v-mire.html> (мурожаат вақти: 07.12.2021).

<sup>2</sup> В США зафиксировали самый высокий рост числа убийств // <https://regnum.ru/news/society/3390733.html> (мурожаат вақти: 07.12.2021).

<sup>3</sup> Уровень преступности в мире // URL: <https://visasam.ru/emigration/vybor/prestupnost-v-mire.html> (мурожаат вақти: 07.12.2021).

<sup>4</sup> Самые преступные страны мира // URL: <https://zel-rent.ru/grazhdanskoe-protsessualnoe-pravo/samie-prestupnie-strani-mira.php> (мурожаат вақти: 07.12.2021).

<sup>5</sup> Давлат статистика кўмитасининг расмий статистикаси // <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2> (мурожаат вақти: 05.02.2021).

гани<sup>6</sup> каби омиллар ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг назарий ва методологик асосларини ривожлантириш, махсус профилактик чора-тадбирлар тизимини, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш асослари, тартиби ва шартларини такомиллаштириш, бу борадаги қонун нормаларини қўллаш амалиётида учраётган муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги (2016), “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги (2016), “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (2017), “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги (2019), “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (2019), “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги (2020) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017), “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017), “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2021) фармонлари, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017), “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017) қарорлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш самарадорлигини оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз олимлари томонидан ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг айрим жиҳатлари, хусусан, ички ишлар органлари таянч пунктларининг ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси фаолияти (М.З. Зиёдуллаев), аёллар жиноятчилиги (Қ.Р. Абдурасулова), ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар (А.К. Расулев) ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар (Ш.А. Ганиев), рашк туфайли содир этилган жиноятлар (А.Г. Закирова), ҳаётга, соғлиқга, жинсий эркинликка қарши жиноятлар (Л.Г. Алимов, Қ.П. Пайзуллаев, Ф. Тахиров, Д.Х. Хамидов, М.Қ. Ўразалиев), иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар (Г.Т. Абдуллаходжаев, Г.Ў. Аҳмедова, А.М. Бабишов, И.М. Мирзараимов, О.М. Махкамов), уюшган жиноятчилик (И. Исмаилов, Ж.А. Неъматов), одам савдоси жиноятлари (И.Ю. Фазилов), вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар (В.Г. Файзуллаева, Н.Т. Исмоилов), алкоғолизм, фоҳишалик ва гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар (М.К. Утениязов,

<sup>6</sup> <https://kun.uz/ru/news/2020/11/07/genprokuratura-otsenila-ushcherb-ot-korrupsi-v-uzbekistane-za-dva-goda>

М.Қ. Ўразалиев), чет эл фуқаролари билан боғлиқ жиноятлар (У.О. Мамадалиев), оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар (А.Ш. Муродов), виждон эркинлигини бузишга оид ҳуқуқбузарликлар (Ф.Х. Қўчқорова), вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилиги (Ш.О. Азим, Ш.Р. Ғофуров, Ғ.С. Қаршиев, Б.А. Умирзаков), терроризм билан боғлиқ жиноятлар (Б.У. Таджиханов, Ж.А. Иброҳимов) бўйича махсус профилактика билан боғлиқ баъзи масалалар тадқиқ этилган.

Шу билан бирга, мутахассислар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг умумий (С.Б. Хужакулов) ва виктимологик профилактикаси (Қ.А. Саиткулов) фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияларда тадқиқ этилган.

Хорижий олимлар О.А. Бойко, А.Ш. Ешчанов, В.В. Жалыбин, В.Н. Зырьянов, Е.Р. Ким, А.В. Майоров, В.А. Мишота, М.В. Молчанова, Г.А. Насимов, Е.А. Неустроев, И.О. Никитина, Р.Э. Оганян, Л.В. Павлова, А.Э. Побегайло, С.В. Полубинская, С.А. Попова, И.А. Савенко, Н.А. Уважаев, С.В. Федяев, С.В. Фомов, Н.А. Харитонов, В.А. Шакина, И.А. Шулиналар<sup>7</sup> томонидан муайян турдаги жиноятларнинг махсус профилактикасига оид тадқиқотлар ўтказилган. Мазкур муаллифлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фанининг ривожланишига муайян даражада ҳисса қўшганлар. Бироқ мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида амалга оширилган ислохотлар натижаларини, амалдаги қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиётини, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси алоҳида тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг 2018–2020 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш” илмий-тадқиқот ишининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини такомиллаштиришга доир илмий хулоса, амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси” тушунчасини назарий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, унинг муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш;

ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва илмий хулосалар қилиш;

ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларининг амалдаги тизимини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирлари тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмининг ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларининг амалга оширилишини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

<sup>7</sup> Бу ва бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

**Тадқиқотнинг предметини** ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасига доир муаммолар, ушбу соҳани тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти, айрим хорижий давлатлар тажрибаси, илмий қарашлар ва методологик-услубий ёндашувлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўрови, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш, тизимли ёндашув, мантиқийлик усуллари билан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатларига маъмурий назорат остидаги шахснинг талабига кўра, у билан ўтказиладиган яқка тартибдаги профилактик суҳбатнинг адвокат, жамоатчилик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари ёки яқин қариндошлари иштирокида ўтказилиши лозимлигини белгиловчи қонун киритиш зарурати асосланган;

ички ишлар органлари хотин-қизлар масалалари бўйича бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларини ташкил этиш соҳасидаги функцияларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб бериш лозимлиги исботланган;

ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли юқори бўлган айрим тоифадаги вояга етмаганлар ва ёшларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган “Ўқувчи”, “Давомат”, “Ўсмир”, “Ғамхўрлик” каби ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик тадбирлари ички ишлар органларининг идоравий норматив ҳужжатлари асосида ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши зарурлиги асосланган;

алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус профилактик тадбирларнинг Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, ҳудудий ва маҳаллий ички ишлар органларининг бошқарув қарорлари асосида ташкил этилиши мумкинлигини қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурати асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** асосида “Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, лойиҳага кўра қонуннинг:

10-модда саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилариининг янги таҳрирда баён этилиши ички ишлар органларининг махсус профилактик тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ энг муҳим ваколатларини белгилашга;

24-моддасини янги таҳрирда баён этиб, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси тушунчасига оптимал таъриф бериш (таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган) ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш асослари билан боғлиқ ҳуқуқий бўшлиқнинг бартараф этилишига;



янги 24<sup>1</sup> ва 24<sup>2</sup>-моддалар билан тўлдириб, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари тизимини белгилаш (таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган) махсус профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳуқуқий бўшлиқнинг бартараф этилишига;

янги 37<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилиши профилактика ишини юритишнинг ҳуқуқий тартибини белгилашга хизмат қилади.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид махсус профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш асослари ва тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг махсус профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш соҳасидаги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизми белгиланишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 25 августдаги 191-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом”нинг “Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш” номли 2-параграфининг янги таҳрирда баён этилиши ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси фаолиятида мавжуд ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш ва иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ва миллий қонунчилик нормалари, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг илғор ҳамда ижобий тажрибалари, соҳага доир эмпирик ва статистик маълумотлар таҳлили, социологик тадқиқотлар (972 нафар мутахассис ходимлар (шу жумладан, профилактика (катта) инспекторлари) ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров, шунингдек, 30 та махсус профилактик тадбирлар бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва пробация хизматлари юритувида бўлган 150 та маъмурий назорат ва профилактик ҳисобга олинган, ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари ва шартли ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тўпланган йиғма жилдлар таҳлили) натижаларини умумлаштириш орқали асослантирилган, тадқиқот натижалари ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган ҳамда етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан мавзуга оид халқаро ҳуқуқий нормалар, миллий қонун ҳужжатларини ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, тегишли қонун нормаларини шарҳлашда, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси”, “Ички ишлар органларининг профилактик фаолияти”, “Криминология”, “Виктимология” фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, янги илмий-тадқиқотларни олиб боришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган амалий тавсиялар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг махсус профилактик фаолиятини, хусусан, ички ишлар органлари томонидан махсус профилактик тадбирларнинг ўз вақтида, пухта ишлаб чиқилишини тўғри ва самарали ташкил этишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қонунчиликга маъмурий назорат остидаги шахснинг талабига кўра, у билан ўтказиладиган яқка тартибдаги профилактик суҳбатнинг адвокат, жамоатчилик, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари ёки яқин қариндошлари иштирокида ўтказилиши лозимлигини белгиловчи қондан киритишга доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон қонунининг 16-моддаси тўртинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг 2019 йил 24 октябрдаги 06/1-06-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши назорат остидаги шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлаш даражасини оширишга хизмат қилган;

ички ишлар органлари хотин-қизлар масалалари бўйича бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларини ташкил этиш соҳасидаги функцияларини норматив ҳужжатларда белгилашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 11 июлдаги 181-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар”нинг 124-банди “в” кичик бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 30 октябрдаги 26/5-3355-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инобатга олиниши ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришни ташкил этиш соҳасидаги масъулияти ҳамда жавобгарлигини оширишга хизмат қилган;

ҳуқуқбузарлик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга мойиллиги бўлган айрим тоифадаги вояга етмаганлар ва ёшларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган “Ўқувчи”, “Давомат”, “Ўсмир”, “Ғамхўрлик” каби ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик тадбирлари ички ишлар органларининг идоровий норматив ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозимлигига доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги 151-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги йўриқноманинг 50-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 07 августдаги 26/5-2225-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг инобатга олиниши вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси бўйича махсус тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишининг ҳуқуқий мустаҳкамланишига хизмат қилган;

алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус профилактик тадбирларнинг Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, ҳудудий ва маҳаллий ички ишлар органларининг бошқарув қарорлари асосида ташкил этилиши лозимлигига доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 25 августдаги 191-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқноманинг 22-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 7 августдаги 26/5-2224-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инобатга олиниши ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 3 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 6 та (шундан 3 таси хорижда) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олти параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 156 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, нашр қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг назарий-ҳуқуқий таҳлили”** деб номланиб, иккита параграфни ўз ичига олган биринчи бобида “Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси” тушунчаси назарий-ҳуқуқий таҳлил қилинган ҳамда ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг асосий хусусиятлари очиқ берилган.

Диссертант илмий адабиётлар ва қонун ҳужжатлари таҳлиliga асосланиб, “ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш” назарий жиҳатдан криминология фанининг асосий предметларидан бири ҳисобланувчи жиноятларни олдини олишнинг илмий қоидаларига асослансада, аммо ханузгача ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналишлари, турлари ва чора-тадбирларининг мазмуни, хусусиятлари ва таснифи бўйича ягона тўхтамга келинмаган”, деб хулосага келган. Ушбу

хулосани асослантиришда Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо айрим давлатлар (Ўзбекистон, Қозоғистон, Беларусь, Қирғиз Республикалари, Россия Федерация) ва Украина Республикасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларида белгиланган тартиб-қоидаларга ҳам муурожаат қилган.

Тадқиқотчи “ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси” мазмуни бўйича, яъни бу ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг “турими” ёки “чора-тадбирими”? деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилган. Бунинг учун ўзбек тилининг изоҳли луғати, илмий адабиётлар, қонунчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиётини таҳлил қилган.

Таҳлиллар натижасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналиш, тур ва чора-тадбирга ажратиш зарурлиги илмий асосланган.

Хулосага кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ икки мақсадга, яъни улардан *бири*, шахсларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишдан тийилишига эришиш ва ҳуқуқбузар шахсларни ахлоқан тузатишга, *иккинчиси*, шахсларнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланишини олдини олиш ва жабрланганларнинг реабилитация қилинишини таъминлашга йўналтирилади. Шу асосда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги йўналишлари шакллантирилган:

**биринчи йўналиш**, *ҳуқуқбузарликларнинг кримнологик профилактикаси* (шахсларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишдан тийилишига эришиш ва ҳуқуқбузар шахсларни ахлоқан тузатишга йўналтирилган);

**иккинчи йўналиш**, *ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси* (шахсларнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланишини олдини олиш ва жабрланганларни реабилитация қилинишини таъминлашга йўналтирилган).

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бир гуруҳ шахслар ёки оммага ёхуд муайян шахсга нисбатан амалга оширилиши алоҳида хусусиятга эга бўлиб, бу ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги турларга ажратилишига асос бўлиб хизмат қилади: 1) ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси; 2) ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги (индивидуал) профилактикаси.

Тадқиқотчи “махсус профилактика” ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тури ёки чора-тадбирлар тизими эканлигига оид илмий мунозарали жараённинг ечими сифатида “махсус профилактика” ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбири, у ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасида ҳам, яқка тартибдаги профилактикасида ҳам маълум бир аниқ профилактика объектига йўналтирган ҳолда ишлаб чиқилади ва амалга оширилади, деган хулосага келган.

Унинг фикрича, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кримнологик ва виктимологик профилактик йўналишларда ташкил этилади, ҳар икки йўналишда профилактика умумий ҳамда яқка тартибда амалга оширилади, умумий ва яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар эса алоҳида ёки махсус чора-тадбир мақомига эга бўлади.

Бунда *алоҳида профилактик чора-тадбирлар* – профилактиканинг умумий ёки яқка тартибдаги профилактикага мансублигини ифодаласа, *махсус профилактик чора-тадбирлар* – айнан нисбатан кўпайган муайян ҳуқуқбузарлик тури ёки йўналиши, ғайриижтимоий хулқ-атвор кўринишининг сабаб ва шарт-шароитини, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларни

бартараф этиш, ҳуқуқбузар, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи шахс ёки шундай шахслар тоифаларига профилактик таъсир кўрсатишга йўналтирилган чоратадбирлар тизимини ифодалайди.

Юқоридагиларга асосланиб, “ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси” тушунчасига нисбатан муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган “Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси – бу, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар ёки ғайриижтимоий хулқ-атворнинг олдини олишга, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларни бартараф этишга, айрим тоифадаги ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори ёки ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир чоратадбирлар тизимидир” (*ушбу таъриф сўровга жалб этилган 972 нафар респондентларнинг 70 фоизи томонидан маъқулланган*).

Тадқиқот ишининг иккинчи параграфида ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини профилактиканинг бошқа турларидан фарқли жиҳатлари очиб берилган.

Бу борада ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг мақсади, вазифалари, объекти, субъекти ва белгиларига аниқлик киритилган.

Шунга кўра, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг вазифалари:

– маълум бир ҳудуд ва муайян давр мобайнида нисбатан кўпайган айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар ва шахслар тоифаларини, шунингдек юзага келган жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларни аниқлаш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг эътиборини аниқланган шахслар тоифалари, мавжуд хатар ва таҳдидларга, шунингдек уларни ўз вақтида бартараф этиш масалаларига қаратиш;

– махсус профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш;

– махсус профилактик тадбирларни амалга ошириш;

– ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси натижаларини тизимли таҳлил қилиш;

– муайян ҳудудда ва муайян даврда нисбатан кўпайган шахслар тоифалари, шунингдек ички ишлар органларининг махсус ҳисобида турувчи шахсларга нисбатан профилактик таъсир кўрсатиш ва уларни ахлоқан тузатиш.

Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг объектлари:

– маълум бир ҳудуд ва муайян давр мобайнида нисбатан кўпайган айрим кўринишдаги ғайриижтимоий хулқ-атворлар, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар;

– маълум бир ҳудуд ва муайян давр мобайнида нисбатан кўпайган айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар;

– маълум бир ҳудуд ва муайян давр мобайнида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларнинг нисбатан кўпайган айрим тоифаси;

– маълум бир ҳудуд ва муайян давр мобайнида нисбатан кўпайган айрим тоифадаги ҳуқуқбузар шахслар;

– маълум бир ҳудуд ва муайян давр мобайнида ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахсларнинг нисбатан кўпайган айрим тоифаси ҳамда жабрланиш эҳтимоли (виктимлик)ни келтириб чиқарувчи омиллар;

– маълум бир ҳудуд ва муайян давр мобайнида ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларнинг нисбатан кўпайган айрим тоифаси;

– юзага келган жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлар.

Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг белгилари:

1) махсус профилактика фақат ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бево-сита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан амалга оширилиши;

2) ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг айрим турдаги ҳуқуқбу-зарликлар, шахслар тоифалари кўпайганда ёки жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлар юзага келганда амалга оширилиши;

3) ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси тадбирларининг тегишли норматив ҳужжатлар билан тасдиқланган махсус намунавий режага асосан амалга оширилиши;

4) ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси тадбирларининг олдиндан пухта ўйлаб ишлаб чиқилганлиги, субъектлар ўртасида вазифаларнинг аниқ тақсимланганлиги, махсус профилактик чора-тадбирлар амалга оширилишининг тезкорлиги;

5) ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси тадбирларининг айрим тур-даги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг ёки жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда шартли номланиши;

6) ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси тадбирларининг қонун ҳужжатларида белгиланган асос, тартиб ва шартларда ишлаб чиқилиши;

7) ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасида профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларининг манзилли йўналтирилиши, таъсирчанлиги ва нисбатан индивидуаллиги.

Шунингдек, ишда юқорида келтирилган ҳар бир белгининг моҳияти очиб берилган.

Тадқиқотчининг хулосасига кўра, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профи-лактикаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, мазкур хусусиятларнинг моҳия-тини англаш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиётида махсус профилак-тика самарадорлигини таъминлаш имкониятини беради. Чунки ҳуқуқбузарлик-ларнинг махсус профилактикаси профилактиканинг бошқа турларидан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Шу боисдан, илгари сурилган таклиф ва тавсиялар, *биринчидан*, ҳуқуқбу-зарликлар махсус профилактикасининг мазмунини очиб беришга; *иккинчидан*, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг мақсади, вазифалари, объекти ва субъектларига аниқлик киритишга; *учинчидан*, ҳуқуқбузарликлар махсус профи-

лактикасининг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликларини белгилашга; *тўртинчидан*, амалиётда ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини қўллаш самарадорлигини таъминлашга; *бешинчидан*, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси муаммоларини тадқиқ этиш йўналишларини белгилаб олишга; *олтинчидан*, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг иккинчи боби “**Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларининг таҳлили**” деб номланган бўлиб, унда ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларининг амалдаги тизими таҳлил қилинган ва ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишнинг бугунги ҳолати ёритилган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфида ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг тушунчаси, уни ўтказиш асослари ва тартиби сингари профилактик чора-тадбирлар тизими ҳам “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда етарлича тартибга солинмаганлиги, шунинг учун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиётида махсус профилактикада кутилган натижага эришилмаётганлиги ҳақида хулосага келинган.

Қонун ҳужжатлари ва илмий адабиётлар таҳлили қилинганида профилактик тадбир тушунчаси турлича шакл ва мазмунда талқин этилганлигини кўрсатади. Бу эса профилактик тадбирларни муайян мезонлар асосида таснифлаш, гуруҳлаш ёки турларга ажратиш заруратини келтириб чиқаради.

Диссертант мазкур заруратни инобатга олиб, *профилактик тадбирларни ошқора ва ноошқора ўтказилишига кўра*: а) тезкор-профилактик тадбирлар; б) махсус профилактик тадбирларга; *профилактик таъсир кўрсатиши объектлари доирасига кўра эса*: а) умумижтимоий профилактик тадбирлар; б) индивидуал профилактик тадбирларга таснифлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Муаллиф ушбу тасниф билан чекланиб қолмасдан, “тезкор-профилактик тадбир”, “махсус профилактик тадбир”, “умумижтимоий профилактик тадбир” ва “индивидуал профилактик тадбир” тушунчаларига муаллифлик таърифларни ишлаб чиқган. Таҳлилларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг махсус ва яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари ўртасида ўзаро ўхшаш ва номувофиқликлар мавжуд эканлиги бўйича хулоса қилган.

МДХга аъзо давлатларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунчилиги таҳлил қилинганида, фақат Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикалари қонунчилигида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси тури мавжудлиги маълум бўлган. Бироқ 2013 йилда Қозоғистон Республикасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси профилактиканинг тури сифатида қонунчиликдан чиқарилган.

Диссертант МДХга аъзо давлатларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунчилигида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига нисбатан бундай ёндашувни, *биринчидан*, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг мазмун-моҳияти етарлича тушуниб етилмаганлиги, *иккинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг оптимал мезонлар асосида турланмаганлиги билан изоҳлайди. Чунки ҳуқуқбузарликлар профилактикасида муайян ҳуқуқбузарлик, ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки айрим тоифадаги шахсларга

нисбатан амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирларнинг таъсирчан бўлиши алоҳидалик, индивидуаллик ва ўзига хосликни талаб этади. Бу эса умумий эмас, балки махсус ёндашиш заруратини келтириб чиқаради. Ваҳоланки, криминологияда азалдан жиноятчиликнинг олдини олишнинг иккита, яъни: *умумижтимоий* ва *махсус криминологик* тури ажратилган.

Шунга қарамасдан “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг чора-тадбирлари тизими етарлича ишлаб чиқилмаган. Қонунда фақат айрим тоифадаги шахслар билан амалга ошириладиган махсус профилактик чора-тадбирларни белгилаш билан чекланилган (*сўровга жалб этилган 972 нафар респондентларнинг 55 фоизи ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларини тартибга солувчи нормаларда ҳуқуқий бўйлиқ мавжудлигини, қонунчиликни такомиллаштириш зарурлигини билдиришган*). Бу эса ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг тушунчаси, мақсади, вазифалари, объекти ва афзалликлари мазмунига таянган ҳолда ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Тадқиқот ишида айнан мазкур зарурат юзасидан ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг чора-тадбирлар тизими шакллантирилган ва Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонунини янги 24<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш таклифи илгари сурилган (*ушбу таклиф сўровга жалб этилган 972 нафар респондентларнинг 56 фоизи томонидан маъқулланган*).

Тадқиқотчининг фикрича, ушбу параграфда илгари сурилган таклиф ва тавсиялар, *биринчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тури сифатида махсус профилактиканинг ижтимоий зарурлигини англаш; *иккинчидан*, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг амалдаги чора-тадбирлари тизимида мавжуд бўлган бўйлиқ ва тушунмовчиликларни аниқлаш; *учинчидан*, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирлари тизимини унинг ўзига хос хусусиятларига асосланиб шакллантириш; *тўртинчидан*, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини тартибга солувчи қонунчилик нормаларини мақсадли ва тизимли такомиллаштириш; *бешинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида махсус профилактиканинг самарадорлигига эришиш имконини беради.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш амалиёти муайян мезонлар асосида таҳлил қилинган ҳамда илмий хулоса, амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Бунда тадқиқотчи, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишнинг бугунги ҳолатини муайян мезонлар асосида ёритилиши: *биринчидан*, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишнинг бугунги ҳолатига ойдинлик киритиш, *иккинчидан*, ушбу йўналишдаги муаммоларни аниқлаш ва мавжуд ҳолатга объектив баҳо бериш, *учинчидан*, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш самарадорлигини ошириш бўйича илмий хулоса, амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш имконини беради, деб ҳисоблайди.



Диссертациянинг “**Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини такомиллаштириш**” номли учинчи бобида ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш асослари ва тартибини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфиди ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш масалаларига эътибор қаратилган.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам, илмий адабиётлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам “махсус тадбир” ёки “махсус тадбирларни ишлаб чиқиш” деганда нима тушунилади?, “махсус тадбир” қачон ишлаб чиқилган ҳисобланади?, “махсус тадбир” ким томонидан ишлаб чиқилади? “махсус тадбир” қайси асосларга кўра ишлаб чиқилади ва амалга оширилади? мазмундаги мунозарали саволларга жавоб топиш мушкул. Чунки ушбу манбаларда “махсус тадбирларни ишлаб чиқиш” ҳақида сўз юритилган бўлса-да, аммо махсус тадбирларни ишлаб чиқиш асослари, тактик жиҳатлари, ҳуқуқий механизми, махсус тадбирларни ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар ҳақида батафсил маълумотлар кузатилмайди.

Айрим турдаги жиноят ёки айрим тоифадаги жиноятчи шахсларни тадқиқ этишга бағишланган илмий ишланмаларда (О.А. Бойко, Ш.Р. Ғофуров, А.Р. Кадиров, И.А. Савенко, М.Қ. Ўразалиев, И.Ю. Фазилов, С.В. Фомов, Н.А. Харитонов кабиларнинг диссертация тадқиқотларида) махсус тадбирларни ишлаб чиқишнинг баъзи жиҳатларига тўхтаб ўтилган. Уларнинг аксарияти тадқиқотлари натижасида ишлаб чиққан таклифларида ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишга оид умумий тавсифга эга профилактик чора-тадбирлар тизимини санаб ўтиш билан чекланилган.

Бу каби ёндашув хорижий давлатлар олимлари (М.В.Молчанова, Г.А.Насимов, Е.А.Неустроев, И.О.Никитина, В.А.Шакина ва бошқалар)нинг илмий-тадқиқот ишларида ҳам кузатилади.

Ваҳоланки, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари қачонки, муайян турдаги ҳуқуқбузарлик ёки айрим тоифадаги шахсларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиб, амалга оширишнинг мантиқий кетма-кетлиги бўйича тизимлаштирилсагина ўзининг таъсирчанлик хусусиятига эга бўлади.

Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларини қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда махсус ва тезкор-профилактик чора-тадбирлар режаларининг барчаси ҳам ўзининг ҳуқуқий асос ва аниқ қўлланиш механизмига эга эмас. Ушбу хулоса олимлар (М.З. Зиёдуллаев, А.Ш. Муродов ва бошқалар)нинг фикр-мулоҳазалари билан ҳам ўз тасдиғини топган.

Мазкур фактларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш етарлича ташкилий-ҳуқуқий механизм билан таъминланмаган мазмундаги хулоса шаклланди. Шу боисдан, криминология фанидаги криминологик башорат (прогноз) ва жиноятчиликка қарши курашни режалаштиришга оид илмий қоидалар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиётида шаклланиган тажрибалар ва мантиқ илми қонуниятларига асосланиб, махсус тадбирлар ишлаб чиқилишини қуйидаги босқичларга ажратиш тавсия этилган:

**биринчи босқич:** ҳуқуқбузарликларга оид статистик маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда махсус профилактика объектлари\* ни аниқлаштириш;

**иккинчи босқич:** криминоген вазиятни баҳолаш ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси объектларининг келгусида ривожланиши бўйича башорат (прогноз)ни амалга ошириш;

**учинчи босқич:** махсус профилактик чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва тадбирни шартли номлаш;

**тўртинчи босқич:** ишлаб чиқилган махсус тадбирни манфаатдор субъектлар билан келишиш;

**бешинчи босқич:** ишлаб чиқилган махсус тадбирни ваколатли орган раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланиши чораларини кўриш.

Шу билан бирга, айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар, шунингдек нисбатан кўпайган айрим тоифадаги (ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузар, ҳуқуқбузарликдан жабрланган ва жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган) шахслар кўпайганда ёки жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлар юзага келганда махсус профилактик тадбирларни ишлаб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари ва ташкилий механизми бўйича ҳаракатлар кетма-кетлиги ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунига янги 24<sup>2</sup>-моддани киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида махсус тадбирларни ишлаб чиқиш асослари тўғрисида”ги қарорини қабул қилиш таклиф этилган\*.

Тадқиқот ишида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси субъектлари тизими ҳам ўрганилиб, қайта кўриб чиқиш ва таснифлаш зарурати мавжудлиги аниқланган. Ушбу заруратга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан, махсус профилактика субъектларини қуйидагича таснифлаш ва тизимлаштириш тавсия этилган:

1) ҳуқуқбузарликлар профилактикасида давлат сиёсатини олиб борувчи субъектлар;

2) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар;

3) ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи субъектлар;

4) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини мувофиқлаштирувчи субъектлар;

5) махсус профилактикани амалга оширишга ихтисослаштирилган субъектлар (*ихтисослаштирилган субъектлар тизимини алоҳида гуруҳ сифатида шакллантириш таклифи сўровга жалб этилган 972 нафар респондентларнинг 41 фоизи томонидан маъқулланган*).

Тадқиқотчининг фикрича, мазкур тасниф ва тизим, *авваламбор*, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари доирасини белгилашга; *иккинчидан*, мавжуд субъектларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиётида тутган

\* Содир этилиши нисбатан кўпайган айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар ёки ғайриижтимоий хулқ-атвор, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, виқтимлиги (ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли) юқори ёки ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар тоифалари.

\* Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари диссертацияга илова қилинган.

ўрни ва ролини аниқлаштиришга; *учинчидан*, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси субъектлари тушунчасига таъриф беришга хизмат қилади.

Демак, ўз хусусияти бўйича ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси субъектлари нафақат махсус профилактикани амалга оширади, балки махсус профилактикага доир давлат сиёсатини шакллантиради, ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштиради ва унда иштирок этади.

Бу эса “ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси субъектлари” тушунчасига қуйидагича таъриф беришга асос яратади: “ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси субъектлари – ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасига доир давлат сиёсатини олиб борувчи, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини бевосита амалга оширувчи, мувофиқлаштирувчи, унда иштирок этувчи ҳамда махсус профилактикани амалга оширишга ихтисослашган давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси фуқароларидир”.

Диссертант, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси субъекти тушунчаси, таснифи ва тизимининг ойдинлаштирилиши: *биринчидан*, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси самарадорлигини кафолатлайди; *иккинчидан*, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси субъектлари зиммасига аниқ вазифалар юклашга ёрдам беради; *учинчидан*, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси субъектлари мазмунини очиқ беришга хизмат қилишини таъкидлайди.

Диссертацияда, юқоридагилар билан бирга, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси субъекти сифатида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси фаолияти таҳлил қилиниб, айтилган пайтда қонун ҳужжатларида ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган вазифалар умумий мазмунга эга бўлиб, ушбу йўналишдаги фаолиятини аниқ ва тўлиқ мақсадга йўналтирилишини таъминлаш имкониятига эга эмас, деб хулоса қилинган.

